

КОМПОЗИТОР М. НАСИМОВ ИЖОДИЙ ЙЎЛИГА ПОРТРЕТ**Фарангиз Икромова Йигитали қизи-**

Фаргона давлат университети “Санъатшунослик” факултети “Муסיқа таълими” йўналиши
3-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6908443>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, профессор, ўзбек муסיқа тарихида ёрқин из қолдирган композитор ва дирижёр Мардон Насимовнинг ҳаёт йўли ҳамда турли хил йўналишларда ижод қилиб яратган сермазмун ўзига ҳос жозибача эга асарларининг муסיқий маданий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилади

Калим сўзлар: хор, сюита, оркестр, хормейстер, опера, балет, чолгу, баллада, поэма, вокал, ансамбл, кантата

ПОРТРЕТ ТВОРЧЕСКОГО ПУТИ КОМПОЗИТОРА М. НАСИМОВА

Аннотация. В статье рассказывается о жизненном пути артиста, профессора, композитора и дирижера Мардона Насимова, служившего в Узбекистане и Каракалпакстане, оставившего яркий след в истории узбекской музыки, и месте его богатых и неповторимых произведений в нашей музыкальной и культурной жизни.

Ключевые слова: хор, сюита, оркестр, хормейстер, опера, балет, инструментал, баллада, поэма, вокал, ансамбль, кантата.

PORTRAIT OF THE CREATIVE PATH OF THE COMPOSER M. NASIMOV

Abstract. The article tells about the life path of the artist, professor, composer and conductor Mardon Nasimov, who served in Uzbekistan and Karakalpakstan, who left a bright mark on the history of Uzbek music, and the place of his rich and unique works in our musical and cultural life.

Keywords: choir, suite, orchestra, choirmaster, opera, ballet, instrumental, ballad, poem, vocal, ensemble, cantata.

КИРИШ

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, профессор, композитор ва дирижёр Мардон Насимов ўзбек муסיқаси тарихида ёрқин из қолдирди. Ижодкорлик фаолиятида асосан овоз учун муסיқа яратишга катта эътибор бериб, яккахон, жўровоз ансамбл ва хор жамоаларига кўшиқ, ашула, кантата, сюиталар басталаб, ҳурмат - эҳтиромга сазовор бўлди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мардон Насимов Самарқанд шаҳрида 1914 йилнинг 1 апрелида тўқувчи қосиб оиласида туғилди. У 3 ёшида отасидан, 10 ёшида онасидан айрилади ва амакиси хонадонидан тарбияланди. Мардон болаликдан муסיқага қизиқади, айниқса, най садоларида мафтун бўларди. 8 ёшида умумтаълим мактабига ўқишга чиқади ва 1929 йили 5 - синфни битириб, Самарқанд давлат муסיқа хореография институтига ўқишга киради. Мардон машҳур найчи, устоз А. Исмоиловдан най, А. Умурзоқовдан кўшна чалишни, Ота Жалол ва Домла Ҳалим Ибодовдан Бухоро шашмақоми, М. Харратовдан Хоразм мақомларидан сабоқ олади. У институтда ўқиб юрган пайтида машҳур санъаткор Али Ардобус томонидан ташкил этилган «Кўк кўйлак» лилар тўғарагида найчи бўлиб ишлади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

1934 йили М. Қориёқубов ташаббуси билан Москва давлат консерваторияси қошида очилган Ўзбек опера студиясида хор дирижёрлиги ихтисослигини ўзлаштириш учун ўқишга

киради. 1939 йили бир гуруҳ санъаткорлар билан биргаликда Катта Фарғона канали қурилишида ишчиларга берилган концертларда хизмат қилди. Москвадаги ўқишини 1941 йилда битириб, Тошкентга қайтади ва Навоий номидаги опера ва балет театрида хормейстер вазифасида ишлайди. 1943 йили Шимолий - гарбий фронтда ўрта осиелик аскарлар орасида маданий - маърифий ишларини олиб бориш учун инструктор этиб тайинланади. «Фарҳод ГЭС» қурилиши бошқармаси қарамоғидаги мусиқали театрда М. Насимов 1944 - 46 йилларда бадиий раҳбар ва бош дирижёр лавозимида ишлайди.

М. Насимов дирижёрлик малакасини янада ошириш мақсадида 1946 йили имтиҳонларни топириб, Ленинград давлат консерваторияси опера - симфоник факультетига ўқишга киради ва профессор Мусиндан таълим олади. Дирижёр - симфонист дипломи билан 1951 йили Тошкентга қайтгач, у Ўзбек давлат филармониясига бадиий раҳбар ва симфоник оркестри дирижёри лавозимларига тайинланади. Мазкур даргоҳда 11 йил ишлаб, 1963 йили Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида дирижёрлик мутахассислигидан дарс бериш учун таклиф қилинади. Консерваторияда у ўқитувчиликдан профессорликкача йўлни босиб ўтди.

МУҲОКАМА

М. Насимов ижрочилик, маъмурий ва ташкилий ишлар билан банд бўлишига қарамай, мусиқа яратишга вақт топди ва яққохон вокал ансамбллар ва хор учун турли мавзуларда кўшиқ, ашула, хор сюиталари ва кантаталар ёзди. У Ватанни, меҳнат аҳлини, муҳаббатни, умуман инсоннинг нозик хис - туйғуларини садоларда ифодалашга ижодини бағишлади.¹

М. Насимовнинг 100 дан ортиқ турли мавзуларда ёзилган кўшиқлари орасида «Тинчлик боғи» (Т. Тўла сўзи), «Қор босган тоғлар» (Ғ. Ғулом сўзи), «Барно қиз кўшиғи», «Аскар йигит кўшиғи» (Сайёр сўзи), «Ҳисларимни сочмоқдаман», «Соябон бўлайин» (Миртемир, Сайёр сўзлари), «Юр, ўртоқ», «Байрам вальси» (К. Отабоев сўзи), «Бугун байрам» (Р. Толиб сўзи) каби кўшиқлар хонандалар ижросида машҳур бўлган. Айниқса, унинг радио қошидаги хор ва Ўзбек давлат филармонияси қошидаги академик хор жамоалари учун жўрли ва жўрсиз хор асарлари: «Жон Ўзбекистон», «Наврўзим» (Ҳ. Шарипов сўзлари), «Байрам вальси» (К. Отабоев сўзи), «Дўстлик кўшиғи» (Х. Сяитов сўзи), симфоник оркестр жўрлигида «Марҳабо» (М. Қориев сўзи), «Пахтакорлар» (П. Мўмин сўзи), ўзбек халқ чолғулари оркестри жўрлигида «Тошкент, гўзал диёримсан» (Р. Толиб сўзи), «Самарқанд обрў муродим» (Қамбар ота сўзи), «Хушёр ёр» (Я. Курбон сўзи), «Гул очилар» (Р. Толиб сўзи), «Менинг товушим» (Ойбек сўзи). Москвада Ойбекнинг юбилей кечасида биринчи бор ижро этилган «Менинг ёрим вафоли» (Ҳ. Шарипов сўзи), «Бир дилдор бор экан» (К. Муҳаммадий сўзи), «Амир Темур», «Турон юрт посбонимиз», «Қолар», «Ҳар ошиқа беш кун даврон», «Талабалару талабалар» (Қамбар ота сўзлари).

ХУЛОСА

М. Насимовнинг ажойиб, дилрабо, жўшқин, кўп қисмли асарлари «Дехқонга таъзим», «Дилбарим», «Ўзбекистон диёрим» (Ҳ. Шарипов сўзлари), «Ўзбекча тўй сюитаси» (халқ сўзи), яққохон, хор ва оркестр учун басталаган сюита ва «Тинчлика тинчлик» (Ҳ. Ғулом сўзи) кантатаси жуда машҳурдир. Композитор болалар учун «Аҳмад боғбон», «Булбулчам», «Дўстлик чаманзори», «Ёш физкултурачилар марши», «Ёш саёҳатчилар кўшиғи» каби кўшиқлар яратган. Шунингдек, дутор ва фортепиано учун «Уфори санам»; чанг ва

¹ А. Жабборов. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. Тошкент.2004.

фортепиано учун иккита пьеса; най ва фортепиано учун «Элегия», чанг ва фортепиано учун «Байрам вальси», най ва ўзбек халқ чолғу оркестри учун «Элегия», «Лирик рақс», хор учун қайта ишлаган қорақалпоқ халқ кўшиқ ва лапар, иккита рубоб ва фортепиано учун «Баллада», хор ва симфоник оркестр учун поэма ва баллада (М. Шайхзода сўзи), хор ва симфоник оркестр учун «Шарқ» қасидаси (Ойбек сўзи) ва бошқалар ҳам М. Насимов қаламига мансубдир.

REFERENCES

1. Музыкально- энциклопедический словарь. Москва. 1990 г.
2. Ф.Кароматов. Вопросы музыкознания (материалы симпозиума) 1980 г
3. А. Жабборов. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. Тошкент.2004
4. Ю.Ражабий. И. Акбаров. Ўзбек халқ мусиқаси тарихи, (Ўқитувчи). 1981 йил.
5. M.Achildiyeva 2021 Academic Yunus Rajabi and His Scientific Heristage Annals of Romanian Society for Cell Biology 25(4) 9092-9100
6. Achildiyeva M, Xojimamatov A, Ikromova F (2022) Shashmaqom saboqlari: "Navo" maqomi xususida. INTERNATIONAL JOURNAL FOR ENGINEERING AND MANAGEMENT RESEARCH 11(01) 55-58
7. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) ABOUT MAHMUDJON TOJIBOYEVS PEDAGOGICAL ACTIVITY GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(5) 240-244
8. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) TANBUR ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(6) 302-308
9. Achildiyeva M, Ikromova F(2022) CHOIR ART IN UZBEKISTAN BOTIR UMIDJONOV (EURASIAN JOURNAL OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES 7 54-56
10. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) “The third renaissance towards ascending” EUROPEAN SCHOLAR JOURNAL “An open access, peer reviewed multidisciplinary journal” 2 (9) 17-20
11. Maxfuzakhon Karimova, Muyassarkhon Achildiyeva, Farangiz Ikromova (2021) USE FROM REDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MUSIC LESSONS EUROPEAN SCHOLAR JOURNAL “An open access, peer reviewed multidisciplinary journal” 2 (4) 460-463
12. Achildiyeva M, Xojimamatov A, Yuldasheva D, Ikromova F (2021) Uyghur Folk Singing Genre Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry 12 (10) 3510-3515
13. Ikromova F O‘ZBEKISTON XALQ HOFIZI OCHILXON OTAXONOVNING HAYOT YO‘LI CHIZGILARI. INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE Vol. 1 No. 3 (2022): 151-156
14. Achildiyeva M, Ikromova F РЕЙНГОЛЬД ГЛИЭР ВА ТОЛИБЖОН СОДИҚОВНИНГ «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ОПЕРАСИДА МАҚОМ ЙЎЛЛАРИНИНГ КЎЛЛАНИЛИШИ UIF-2022: 8.2 SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337 INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022 №4 23-28 bet
15. Xojimamatov A, Ikromova F МУСИҚИЙ САҲНАВИЙ АСАРЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МУАММОЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИ

МИСОЛИДА) UIF-2022: 8.2 SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022 №4 29-33 bet

16. Ikromova F SHASHMAQOMDA TURKUM ASAR TARONALARI UIF-2022: 8.2
SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337 INTERNATIONAL SCIENTIFIC
JOURNAL 2022 №4 29-33 bet